

Қуръон билан қалбларингиз ва уйларингизни обод қилинглр



08:00 / 13.05.2022 3175

Аллоҳга қасамки, энг севикли нарсангиз Аллоҳ бўлмагунча динда чўққига чиқа олмайсизлар. Ким Қуръонни яхши кўрса, бас, у Аллоҳни яхши кўрибди. Сизларга айтилаётган ушбу гапни яхшилаб фаҳмланглр.

Суфён ибн Уяйна роҳимаҳуллоҳ

«Қуръон ўқинглр! Албатта, Аллоҳ Қуръонга идиш бўлган (Қуръон жо бўлган) қалбни азобламайди».

Абу Умома Боҳилий розияллоҳу анҳу

«Агар илм олмоқчи бўлсангиз, Қуръонни кенг ёйинглр. Чунки унда аввалгиларнинг ва кейингиларнинг илми бордир».

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу

«Албатта, (ичида) Қуръон ўқиладиган уй аҳли учун кенгаяди, яхшилиги кўпаяди, у ерга фаришталар ҳозир бўлиб, шайтонлар чиқиб кетади. Албатта, Аллоҳ азза ва жалланинг Китоби тиловат қилинмайдиган уй аҳли учун тораяди, яхшилиги озаяди, у ердан фаришталар чиқиб кетиб, шайтонлар келади».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу

«Аллоҳга қасамки, Қуръонсиз бойлик йўқ, Қуръондан кейин фақирлик йўқ».

Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳ

Салафи солиҳлардан бирлари шундай дедилар: «Қуръондан ўқийдиган вазифам зиёда бўлгани сари вақтимдаги барака ҳам зиёда бўлди. Мен вазифамни зиёда қилиб боравердим, ҳатто у ўн порага етди».

Иброҳим ибн Абдулвоҳид Мақдисий Зиё Мақдисийга илм талабида сафарга чиқмоқчи бўлганида шундай насиҳат қилдилар: «Қуръон қироатини кўпайтир, уни тарк қилма. Чунки сен талаб қилаётган нарса (илм) Қуръондан ўқиганинг миқдорича осон бўлади».

Зиё Мақдисий шундай дейди: «Мен устозимнинг гаплари ҳақ эканлигини кўрдим. Уни кўп тажриба қилдим, агар Қуръондан кўпроқ ўқисам, ҳадисни эшитиш ва кўп ёзиш менга осон бўлди. Агар Қуръондан ўқимасам, ҳадисни ўрганиш ҳам осон бўлмади».

Албатта, сизлардан аввалгилар Қуръонни Роббиларидан келган мактуб деб билдилар, улар кечалари Қуръон оятларини тадаббур қилиб чиқиб, кундузлари уни қидирар эдилар (унга амал қилишга имконият, фурсат, сабабларни ахтариб юришарди).

Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳумо

Агар қалблар пок бўлганда, Қуръон қироатига тўймаган бўлар эди.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу

Бир киши Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳуга: «Менга васият қилинг», – деди. Шунда у зот: «Аллоҳнинг Китобини йўлбошчи қилиб ол, унинг қозилигига, ҳакамлигига рози бўл. Чунки У Расулингизнинг сизларга қолдириб кетган нарсасидир. У шафоатчидир, итоат қилинадиган

Китобдир, У ҳақиқий гувоҳдир. Унда сизнинг ва сиздан олдингиларнинг зикри бор. Орангиздаги ҳукмнинг зикри бор. Унда сизнинг ва сиздан кейингиларнинг хабари бор».

Қуръон орифларнинг бўстониدير...

Муҳаммад ибн Воси роҳимаҳуллоҳ

Қуръон маъноларини тадаббур қилмасдан ўтказиб зое қилган кўп вақтларимга надомат қилдим.

Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ

Қуръонни лозим тутинглар, зеро, У ақлнинг фаҳми, ҳикмат нури, илм булоқлари ва Роҳман тарафидан нозил қилинган Китобларнинг сўнгисидир.

Каъбул Аҳбор роҳимаҳуллоҳ

«Ва пешқадамлар, пешқадамлар» (Воқеа сураси, 10-оят). Улар Қуръон аҳлидир.

Каъбул Аҳбор роҳимаҳуллоҳ

«Аллоҳга унс бўлиш нима?» деган саволга Зуннун Мисрий роҳимаҳуллоҳ: «Илм ва Қуръон», – деб жавоб берганлар.

Ҳаволатни уч ўринда изланглар: намозда, Қуръонда (тиловати, тадаббури, амалида) ва зикрда. Агар шу ўринларда ҳаловатни топсангиз, шундай давом этаверинглар ва хурсанд бўлинглар. Агар шу ўринларда ҳаловатни топа олмасангиз, билингларики, эшик беркилибди (яъни, қалб эшиклари қулф экан, энди банда қалбини ғафлатдан уйғотиш, тирилтириш учун қўлидан келган барча ҳаракатни қилсин).

Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳ

У билан қалбларингизни обод қилингларики, У билан уйларикигизни обод қилингларики, яъни Қуръон билан.

Қатода роҳимаҳуллоҳ

Агар Аллоҳга қанчалар муҳаббатинг борлигини билмоқчи бўлсанг, қалбингга Қуръонга қанча муҳаббат борлигига назар сол.

Ибн Қоййим роҳимаҳуллоҳ

Албатта, бу қалблар идишлардир. Шундай экан, уни Қуръон билан машғул қилинглр (банд қилинглр, тўлдиринглр), бошқа нарса ила машғул қилманглр.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу

Қуръонни лозим тутинглр, уни ўрганинглр ва фарзандларингизга ўргатинглр, чунки сизлар Қуръондан сўраласизлар ва Қуръон сабабли ажрга эга бўласизлар. Қуръон ақл юритган киши учун насиҳатгўйликка кифоя қилади.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо

Эй Аллоҳим, Қуръонни қалбларимиз баҳори қилгин. Китобингни қалбларимизга, дилларимизга жамлаб бергин. Уни бизга англадиб қўйгин, ҳикматларини идрок қилдириб қўйгин, одоби билан одобланишимизни, ахлоқи билан хулқланишимизни, яхши ўрганиб, бошқаларга ўргатишимизни насиб этгин ва барчамизни Қуръоннинг амалига муваффақ этгин. Албатта, Сен улуғлик ва икром Соҳибсан, барча нарсага Қодирсан.

Араб тилидан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Муҳаррир: Абдулазиз Раҳим